



2020 yil "28" fevral № 423

**Ўзбекистон туманидаги айрим кўчаларга  
йўл белгилари ўрнатиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни (*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами 2013 йил, 15 сон, 197-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда*)нинг 5, 7-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги «Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 370-сонли Қарори (*Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.08.2019 й., 09/19/646/3508-сон*)га мувофиқ, туман ҳудудида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорт ходисаларини олдини олиш, жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини сақлаш, пиёдалар иштирокида содир бўлаётган йўл-улов ходисаларини олдини олиш мақсадида ҳамда туман ИИБ бошлиғи биринчи ўринбосари А.Мавлоновнинг туман ҳокимлигида 2020 йил 06 февраль куни 128-сон билан рўйхатдан ўтган ёзишмасини ҳамда тумандаги 4К923 «Яйпан-Рапқон-Бешариқ-Чилмахрам автомобиль йўлининг 0-5 км оралиғини мукамал таъмирлаш ишлари бошланганлиги инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонун (*Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон*) нинг 6, 25-моддаларини қўллаб,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :**

1. Туман ИИБ бошлиғи ўринбосари А.Мавлоновнинг туман ҳокимлигида 2020 йил 06 февраль куни 128-сон билан рўйхатдан ўтган ёзишмаси ҳамда тумандаги 4К923 «Яйпан-Рапқон-Бешариқ-Чилмахрам автомобиль йўлининг 0-5 км оралиғини мукамал таъмирлаш ишлари бошланганлиги инobatга олинсин;

2. Ўзбекистон туманидаги 4Р-154 «Кўқон-Яйпан-Исфара» автомобиль йўлининг Авғонбоғ шоҳбекатидан чиқишда 100 метргача бўлган масофага яъни Кўқон томонга кетишда йўлнинг ўнг томонига, Кўқон томондан автошоҳбекатга келишда айланма ҳаракатланиш тугагач йўлнинг ўнг томонига 3.27 «**тўхташ таъқиқланади**» йўл белгилари ўрнатишга рухсат берилсин;

3. Мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилаётган: Яйпан шаҳар Ибн Сино кўчаси билан Зиёкор кўчаси туташган йўл оралиғига Яйпан шаҳар А.Навоий истироҳат боғи бошланиш жойидан автошоҳбекатга қараб йўлни ўнг томонига 3.1 “кириш таъқиқланади” ва 3.27 “тўхташ таъқиқланади” йўл белгилари, автошоҳбекатдан Зиёкор кўчасига қараб Зиёкор кўчаси йўлини ўнг томонига 3.27 “тўхташ таъқиқланади” йўл белгиси, Гулшан кўчаси билан Ибн Сино кўчаси туташган йўл оралиғига автошоҳбекатга қараб Ибн Сино кўчасини ўнг томонига 3.27 “тўхташ таъқиқланади” йўл белгисини мазкур кўчаларда қурилиш якунига еткунга қадар вақтинча ўрнатишга рухсат этилсин;

4. Фарғона йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси директори Б.Раҳмоновга мазкур қарорнинг 2-бандида, Ўзбекистон туман йўллардан фойдаланиш УК директори Х.Турсуновга қарорнинг 3-бандида кўрсатилган йўл белгиларини ўрнатиш вазифаси топширилсин;

5. “Яйпан овози” газетаси таҳририяти (К. Шерматов), Ўзбекистон туман ҳокимлигининг Ахборот хизмати раҳбари (Д. Жабборов) мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва ҳокимлик веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин;

6. Туман ҳокимлиги юридик хизмати (Х. Отажонов)га: мазкур қарорнинг 3-бандида кўрсатилган кўчаларда мукаммал таъмирлаш ишлари якунига етиши билан қарорнинг мазкур бандини бекор қилиш таклифини расмийлаштириш вазифаси юклатилсин;

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради;

8. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари И. Нажмиддинов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



Қ. Джураев